

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА №11  
Лот рақами №77985**

Дўстлик шаҳри

2022 йил 13 май

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси номидан низом асосида фаолият юритувчи Х.Абдураимов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва «GULI ASALI» МЧЖ номидан Устав (буйруқ) асосида фаолият юритувчи директор У.Мансуров (Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади) иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини 3 маҳал пархез таомлар билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил 13 майдан

2022 йил 31 декабргача

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннарҳининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар;

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни, сақлашни, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлашни, шунингдек коммунал харажатларни қоплашни;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ҳамда гигиена нормативларига қатъий риоя этишни;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мақур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматларни кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувиغا олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғирлаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш топшириш долалатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиш ва олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой один ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар;

2.2.17. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар;

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар;

### **3. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 273 600 000 (Икки юз етмиш уч миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4 Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### **4.Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1 Сотувчи молк-мулкни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун Сотиб олувчига етказиб берилмаган ҳар бир кун учун мажбурит бажарилмаган қисмининг 0.5 %и миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.2 Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, сотувчи (етказиб берувчи)дан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима сотувчи (етказиб берувчи)дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.3 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи маҳсулотни сотувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) сотувчи (етказиб берувчи)га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4 Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. Етказилган зарарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлар кирди.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

4.5 Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176, 176, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

## 5. Коррупцияга қарши келишув

5.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харажатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

5.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда

томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

5.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

5.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

## **6. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

6.1 Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## **7. Форс-мажор ҳолатлар**

7.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, угар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни тибий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатда сурилади.

## **8. Якунловчи қондалар**

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар Дўстлик туман юридик хизмат кўрсатиш марказидан тақдим этилган лойиҳага ижобий ҳулосаси олингандан кейин ёзма (электрон) шаклда расмийлаштирилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томондан имзолангандан сўнг, агарда молиявий маблағлар билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилса тегишли Ҳазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

8.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

8.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси бўлади.

### 9. Шартноманинг амал қилиш муддати.

9.1 Ушбу шартнома Дўстлик туман юридик хизмат кўрсатиш марказидан тақдим этилган шартнома лойиҳасига ижобий хулоса олиниб, тарафлар томонидан имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

### 10. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»	«Буюртмачи»
<p>"GULI ASALI" МЧЖ Манзили: Дўстлик тумани Дустлик шаҳри А.Навоий МФЙ Дўстлик кўчаси 13 уй 11-хонадон ИНН: 306015459. МФО: 00138 Банк: АТБ Савдогар банк Дўстлик филиали х/р:20208000605104672001.</p>	<p>Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси Дўстлик шаҳри, Ғ.Ғулом МФЙ, Ибн Сино кўчаси, 1-уй ИНН: 200999279. ОКОНХ: 91511 Ш/хв: 100022860082157073101054001 Дўстлик тумани буйича ғазначилик бўлинмаси ИНН:201122919. МФО: 00014 Марказий Банк Тошкент шаҳри х/р.23402000300100001010</p>
<p>Директор  У.Мансуров</p>	<p>Бош врач  Х.Абдураимов</p>



2022 йил "13" майдаги 11-сонли  
 Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни  
 курсатиш буйича шартномага  
 Илова

**Шартноманинг прогноз суммаси**

№	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Улчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сум)	Хизмат бирликлари сони	Жами сумма ККС сиз (сум)	ККС ___%	Жами сумма ККС билан
1	Январь	31	сум					
2	Февраль	28/29	сум					
3	Март	31	сум					
4	Апрель	30	сум					
5	Май	31	сум	34 200 000	1	34200000	0	
6	Июнь	30	сум	34 200 000	1	34200000	0	
7	Июль	31	сум	34 200 000	1	34200000	0	
8	Августъ	31	сум	34 200 000	1	34200000	0	
9	Сентябрь	30	сум	34 200 000	1	34200000	0	
10	Октябрь	31	сум	34 200 000	1	34200000	0	
11	Ноябрь	30	сум	34 200 000	1	34200000	0	
12	Декабр	31	сум	34 200 000	1	34200000	0	
	<b>Шартноманинг жами суммаси</b>	<b>365/366.</b>		<b>273 600 000</b>		<b>273 600 000</b>		



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
 Дўстлик туман тиббиёт  
 бирлашмаси бошлиги  
 Х.Абдураимов  
 13 май 2022 йил.

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси бюджет маблағлари ҳисобидан Дўстлик туман тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар билан таъминлаш яъни аутсорсинг хизмати курсатиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг

**ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ № 11**

2022 йил 13 май

Дўстлик тумани.

**Кун тартиби:**

- Ахборот парталига жойлаштирилган элон тўғрисида маълумот
- 22. Элон берилган сана: 28.04.2022 йил
- 23. Берилган элон тартиб рақами: 22110012077985
- 24. Буюртма предмети: Дўстлик ТТБ да даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар етказиб бериш яъни аутсорсинг хизмати курсатиш.
- 25. Ўлчов бирлиги: хизмат
- 26. Бирлик нархи: сум
- 27. Берилган миқдори: 1
- 28. Элон берилиш нархи: 278 112 000

Дўстлик ТТБ да даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар етказиб бериш яъни аутсорсинг хизмати курсатиш

Дўстлик ТТБ да даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар етказиб бериш яъни аутсорсинг хизмати курсатиш бўйича 2 кун мобайнида комиссия аъзоларига ва Дўстлик туман тиббиёт бирлашмасига ҳеч қандай етирозлар келиб тушмади. “GULI ASALI” МЧЖ томонидан Дўстлик туман тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар етказиб бериш яъни аутсорсинг хизмати бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилган ва бу талабгор танлов ғолиби деб топилган.

- Х.Абдураимов
- Ш.Худойбердиев
- Д.Шамсиев
- А.Бердимуродов
- Д.Тошпулатов





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING**  
**QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA**  
**HUQUQIY XULOSA**  
**№2161**

1.Loyihaning turi: Outsorsing shartlari asosida xizmat ko'rsatish shartnomasi.

2.Loyihaning mazmuni: Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi "Buyurtmachi" va "Guli asali" MCHJ "Autorser" ortasida Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi "Buyurtmachi"ni "Guli asali" MCHJ "Autorser" tomonidan 2022-yilning may, iyun, iyul, avgust, sentyabr, oktyabr, noyabr, dekabr oylari uchun 273 600 000 (Ikki yuz etmish uch million olti yuz ming) so'mlik parxez taomlar bilan ta'minlash to'g'risidagi №11-sonli outsorsing shartnomasi. (Lot raqami 77985).

3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana – Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yilning 13-may kuni elektron tizim orqali markazga taq'dim etilgan.

**Shartnoma loyixasining moliyaviy tamonlariga markaz hodimlari tomonidan javob berilmaydi.**

**XULOSA:**

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan taqdim etilgan ushbu outsorsing shartlari asosida xizmat ko'rsatish shartnoma loyixasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.A.Xolmurzayev

15.05.2022-yil



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GULI ASALI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"GULI ASALI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

21.01.2019

670672

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306015459

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Do'stlik tumani, Do'stlik, A.Navoiy MFY, DO'STLIK  
KO'CHASI, 13, 11,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Do'stlik tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Жиззах вилоят СЭОМ

(санитария-эпидемиологик хулосани берган муассасанинг номи)

UZ.AMT.07.MAI.949 21 07 2015

(аккредитация кубоқномасининг олинган йили ва санаси)

№ 254522

## САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУЛОСА

20 20 йил « 19 » феврал дан 20 23 йил « 19 » феврал гача ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу хулоса билан: **“GULI ASALI” MCHJ**

(ишлаб чиқарувчи, келиб чиқиш давлати, олиб келувчи)

(импорт, маҳаллий маҳсулотларга алоқадор меъёрий ёки асословчи ҳужжатлар)

Ишлаб чиқарилган (олиб келинган) маҳсулот: **кишлоқ хужалиги маҳсулотлари; 1- тонфали мол гушти ва Товук гушти, 1-тонфали хураки товук тухуми, саримсоқ пиёз, баклажон, булғор каламнири, олма, узум, нок, шафтоли, урик, гилос, банан, мандарин, картошка, сабзи, пиёз, карам, кизил лавлаги, лавлаги, ошқовок, шолғом, турп, ковун, тарвуз, помидор, бодиринг. Дукакдилар; мош, ловия, нухат, кизил нухат гуруч, 0.6 кг/ли қолинли нон сут 3.2%ли сиргир сут катик 3.5%ли ва 82% сарёғ**

Санитария гигиена лабораториясининг 2020 йил 19 февралдаги 40.40-сонли, бактериологик лабораториясининг 2020 йил 19 -февралдаги 20-сонли паразитология лабораториясининг 2020 йил -февралдаги 15-сонли ва радиология лабораториясининг 2020 йил 19 -февралдаги 55-сонли ўтказилган текширишлар **маъжаслари қайд этилган ёки баённомалар** асосида Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 0366-19 сонли Санитария қоида ва меъёрлари талабларига **ЖАВОБ БERAДИ.**

Хулоса олувчи: **“GULI ASALI” MCHJ**

(муассаса номи ва юридик маънаси)

Дустлик тумани А Навоий маҳалласи

(олиб келувчининг юридик маънаси ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчининг маънаси)

Қўлланиладиган, ишлатиладиган соҳа: **Иетемол-килини учун**

Ишлатиш, ташиш, сақлаш ва хавфсизлигига оид шарт-шароитлар **санитария-гигиена меъёрлари.**

Сақлаш ва ташиш коидаларига риоя этиш, шarti билан

Маҳсус белгилар: **маҳсулот сифатини назорат килиш MCHJ** зиммасига юклатилади



Бош врач:

М Д Умаров

(санитария-эпидемиологик хулосасини берувчи муассаса раҳбарининг фамилияси ва исми, шарифи)

20 20 йил « 19 » феврал

